

«UZ KORAM KO»

Mas'uliyati cheklangan jamiyati

KELISHUV VAROG'I

2022yil «17» noyabr

013-l/s - sonli



Shartnoma shartlarini kelishish varogi

O'zbekiston ichidagi yo'nalishlar bo'yicha yuk tashuv hizmati shartnomasi - o'tkazilgan tender bo'yicha g'olib Target LC Logistics / The contract for internal logistics within Uzbekistan routes - the winner of the Tender is Target LC Logistics

Shartnoma predmeti	Yuk tashuv hizmati / logistics service
To'lov shartlari	hizmat bajarilgandan so'ng 100% / 100 % postpayment
Bajarish muddati	2023-12-31

Rozilik

Bosh direktorning maxalliylashtirish sanoatda kooperatsiya alokalarini kengaytirish xamda axborot texnologiya masalalari buyicha birinchi o'rinbosari



R.N. Satvaldiyev

Bosh direktorning ishlab chiqarish bo'yicha o'rinbosari



M.N. Qilichov

Boshqarma boshlig'i



M.M. Jurayev

Bosh buxgalter



J.A. Xudayberdiyev

Moliyaviy menejer



D.U. Yusupov

Yuristkonsult



I.U. O'tbosarov

Bo'lim ichida rozilik

ТРАНСПОРТ-ЭКСПЕДИТОРЛИК ШАРТНОМАСИ № 2К

Андижон шаҳри

« 15 » 11 2022 г

“Уз Корам Ко” МЧЖ (кейинги ўринларда "Юк жўнатувчи" деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор **Galvez R.Z.** бир тарафдан ва иккинчи тарафдан « **Target LC Logistics** » масъуляти чекланган жамият (кейинги ўринларда "Экспедитор" деб юритилади) номидан директор **Алиханов А.А.**, Низом ва (.08.02.2021 йил) даги № 948691 сонли тартиб раками билан давлат руйхатидан утган гувоҳнома асосида фаолият юритиб (биргаликда «Томонлар» деб юритилади) мазкур Шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. «Экспедитор», «Юк жунатувчи»нинг уз эҳтиёжидан келиб чикиб, ташиладиган юкларнинг тавсифи, катновлар (рейслар) микдори, юкларни топшириш жойи, етказиб бериш манзили, муддати ва етказиб берилган юкларни қабул қилиб олишга ваколати булган шахслар курсатилган ҳолда берилган буюртмалари асосида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида «Юк жунатувчи» томонидан юкланган юкларни уз вақтида, сифатли тарзда, нобуд қилмай ва зарар етказмай ташиб беради, «Буюртмачи» эса курсатилган хизматлар ҳақини «Экспедитор»нинг ҳисоб рақамига утказиб бериш мажбуриятини олади.

1.2. Юк ташиш учун автотранспорт воситаларининг юк ташиш қуввати ва ҳар бир катнов (рейс) таърифлари томонлар ўртасида тузилган ва тасдиқланган нарҳлар 1-сонли иловада белгиланади ва бу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

1.3. Юк ташиш хизмати таърифлари (нарҳлари) ўзгариши ҳақида «Экспедитор» 15 (ун беш) кун олдин «Юк жунатувчи»ни бу ҳақда ёзма тартибда огоҳлантиради.

2. БУЮРТМА ВА ЮК ТАШИШ ТАРТИБИ

2.1. «Юк жунатувчи» уз эҳтиёжидан келиб чикиб, ушбу шартномада белгиланган тартибда «Экспедиторга» буюртмалар беради. «Экспедитор» юборилган буюртмаларни тасдиқлаш ёки тасдиқламаслик масаласини буюртма олинган кундан эътиборан 3 (уч) соат муддат ичида қилиб чиқади ва «Юк жунатувчига» хабар беради. Буюртмалар тасдиқланган тақдирда «Экспедитор» юк ташиш хизматларини курсатишга қафолат беради.

2.2. Хабар бериш тартиби: «Юк жунатувчи» томонидан берилган буюртмаларни «Экспедитор» томонидан бажара олишлик (қабул қилиш) ёки бажара олмаслик (қабул қилмаслик) ҳолати бўйича «Экспедитор», мазкур шартноманинг 2.1. бандида белгиланган муддатда ёзма равишда «Юк жунатувчи»нинг масъул ходими (+998__) __-__-__ тел. рақамига руйхатдан утказилган «Telegram» ижтимоий тармоқ орқали буюртмани амалга ошириш имконияти мавжуд ёки мавжуд эмаслигини тасдиқловчи ёзма хатнинг фотосурати орқали буюртмачига маълум қилади ва бу ҳужжатлар юридик кучга эга ҳисобланади. Агар «Экспедитор» ушбу банд талабларини бажармаган ёки уз вақтида бажармаган тақдирда, буюртмалар қабул қилинмаган ҳисобланади ва «Экспедитор», «Юк жунатувчи»га етказилган зарарларни тулик қоплаб бериш мажбуриятини олади.

2.3. «Экспедитор» томонидан, «Юк жунатувчи»нинг буюртмалари мунтазам равишда (икки ва ундан ортиқ) маротаба қабул қилинмаган тақдирда, «Юк жунатувчи» шартномани бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эга.

2.4. «Экспедитор» юкларни қабул қилиб олаётганда, юкларни сифати ҳамда микдори бўйича тулик текшириб олиши шарт. «Экспедитор» юкларни қабул қилиб олиши, юклар сифатли ва белгиланган

микдорда эканлигини тасдиқлаган ҳисобланади. Кабул қилиб олинган юклар сифати ва микдорига «Экспедитор» тўлиқ моддий жавобгар ҳисобланади.

3. ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Шартноманинг дастлабки умумий қиймати: 1 122 200 000 (бир миллиард бир юз йигирма икки миллион икки юз минг) сўм ККС билан.

3.2. «Юк жунатувчи», буюртмага асосан кўрсатиладиган хизматлар учун, буюртма қабул қилинган кундан эътиборан, «Экспедитор» томонидан тақдим этилган бажарилган ишлар далолатномаси топширилгандан сунг 15 банк иш куни ичида буюртма суммасини 100% туловни «Экспедитор»нинг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли орқали амалга оширади.

4. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Экспедитор қуйидагиларни бажариши шарт:

4.1.1. Юк ташишни амалга ошириш учун автотранспорт воситаларининг миқдори ва уларнинг турларини белгилаш.

4.1.2. Юкларни ташиш мобайнида юкларга ва транспорт воситаларига тўлиқ моддий жавобгарликни ўз зиммасига олади.

4.1.3. Юкларни ташишга яроқли ва санитар талабларга жавоб берувчи соз автомашиналарни, буюртмада белгиланган муддатдан кечиктирмаган ҳолда ташишга тайёр қилиб қўйиш.

4.1.4. Кабул қилинган юкларни буюртмада белгиланган муддатларда манзилга етказиш ва уни «Олишга ваколати булган шахсга» бешикаст, тулик ва сифатли ҳолатда топшириш.

4.1.5. Экспедитор буюртмачи томонидан буюртма берилгандан сўнг, 3 соат ичида керакли автотранспорт воситаларини қўйиб бериши шарт.

4.1.6. Юкни белгиланган манзилга етказиб бериш мобайнида ҳар соатда буюртмачига ахборот бериб бориш керак.

4.1.7. «Экспедитор» юкларни етказиб бериш муддатлари кечиктириши натижасида «Юк жунатувчи» ишлаб чиқаришда узилиш содир бўлса, етказилган барча зарарларни бозор қийматида тулик коплаб беришни ўз зиммасига олади.

4.1.8. «Юк жунатувчи», транспорт-экспедиторлик хизмати ёки юк ташиш хизмати фаолиятини кўрсатадиган бошқа юридик шахслардан ёки яққа тартибдаги тадбиркорлардан келиб тушган таклифларни ўрганиб чиқиши натижасида, таклиф этилган хизматларнинг сифати, йўналишлар буйича нархлари мазкур шартномада белгиланган нархлардан арзон бўлган тақдирда, «Юк жунатувчи» қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- «Экспедитор»га, мазкур шартномага асосан курсатиладиган хизматлар нархларини, бошқа юридик шахслардан ёки яққа тартибдаги тадбиркорлар томонидан таклиф этилган нархлар даражасига туширишни таклиф этиш, таклиф рад этилган тақдирда, шартномани бир томонлама бекор қилиш.

4.2. Юк жунатувчи қуйидагиларни бажариши шарт:

4.2.1. Автотранспорт воситалари топшириш жойига етиб келгунга қадар Юкларни ташишга тайёрлаб қўйиш (ташишга оид ҳужжатлар, юклаш ва тушириш жойига ўтиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат (пропуск)).Юклар ўз вақтида юкланмаса ёки туширилмаса ва транспорт воситасини бекор туруб қолиш ҳолати юзага келса, бир кунига энг кам иш хақи миқдорида жарима қуланади.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Шартнома тарафлари мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаган ёки тегишли тарзда бажармаган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари доирасида жавобгар бўладилар.

5.2. «Экспедитор» ушбу шартномага асосан ташилаётган юкларга, уларнинг сифати ва микдоридаги тулик моддий жавобгарликни ўз бўйнига олади. Юкларга зарар етган, шикастланган, йўқотилган ҳолатларда етказилган зарарни бозор кийматида «Юк жунатувчига» тўлиқ коплаб бериш мажбуриятини олади ҳамда Ўзбекистон Республикаси энг кам ойлик иш ҳакининг 50 баробари микдорида жарима тулайди.

5.3. «Экспедитор» автотранспорт хизмати курсатиш давомида унга берилган лицензия бекор қилинганда ёки муддати тугаган ҳолларда, лицензияни қайта олиш ёки узайтириши зарур ва бу ҳолатларда келиб чиқадиган барча оқибатларга «Экспедитор»нинг шахсан узи жавобгар ҳисобланади.

6. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур Шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар имкон қадар Тарафлар ўртасида музокара йўли билан ҳал қилинади.

6.2. Низоларни тарафларнинг музокаралари йўли билан ҳал қилиш имкони бўлмаган тақдирда, тарафлар келишмовчиликларни бартараф қилиш борасида қонунчиликка кўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалга оширилганларидан сўнг уларни Андижон туманлараро иктисодий судига кўриб чиқишга топширадилар.


7. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

7.1. Ушбу шартнома тарафлар ўртасида имзолангандан сўнг кучга кирада ва мажбуриятлар тулик бажарилгунга қадар кучда бўлади. Мазкур Шартнома Тарафларнинг келишувига кўра ёки қонунчиликда кўрсатилган Шартнома шартлари бир тарафдан бузилган тақдирда, иккинчи тарафдан бекор қилиниши мумкин.

7.2. Мазкур Шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, улар фақат ёзма шаклда тузилиб, Тарафларнинг бунга ваколат берилган вакиллари томонидан имзоланиши шартларида ҳақиқий ҳисобланади. Мазкур Шартномага иловалар унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

7.3. Мазкур Шартнома икки нусхада тузилди. Иккала нусха айнан бир хил ва тенг кучна эга. Томонларнинг ҳар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

8. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«ЮК ЖЎНАТУВЧИ» “Уз Корам Ко” МЧЖ	«ЭКСПЕДИТОР» “TARGET LC LOGISTICS” МЧЖ
170132, Ўзбекистон Республикаси Андижон ш., Янгиайланма, 1 уй х/р: 20208000100516389001 «Хамкорбанк» АКБ. МФО: 00083, ИНН 200 908 912 ОКЭД: _____ Тел: (____) _____	Адрес: Ўзбекистон Республикаси Андижон шаҳар Р/с 20208000205341993001 Асака банк Андижон вил булими МФО:00069 ,ИНН:308174514 ОКЭД: _____
Директор:  _____ М.П.	Директор:  _____ Алиханов А.А. М.П.



«15» 11 2022 год

Шартнома Илова № 2К

“TARGET LC LOGISTICS” МЧЖ (кейинги уринларда «Экспедитор» деб юритилади) уз хисобидаги автотранспорт воситаларида куйидаги мартшрут ва нархлар буйича «Уз Корам Ко» МЧЖ юкларини ташиб беради.

№	Йуналиши	Юк кутариш кобилияти	ККС билан хизмат нархи
1	Тошкент - Андижон	1 тоннагача	1 150 000
		2,5 тоннагача	1 750 000
		5 тоннагача	2 000 000
		10 тоннагача	2 900 000
		24 т (тенговая фура)	5 200 000
		24 т Контейнеровоз (юкланган)	4 900 000
2	Тошкент (Аэропорт) - Андижон	1 тоннагача	1 400 000
		2,5 тоннагача	2 000 000
		5 тоннагача	2 200 000
		10 тоннагача	3 300 000
		24 т (тенговая фура)	5 450 000
		24 т Контейнеровоз (юксиз)	5 450 000
3	Андижон – Тошкент	1 тоннагача	750 000
		2,5 тоннагача	950 000
		5 тоннагача	1 050 000
		10 тоннагача	1 700 000
		24 т (тенговая фура)	2 800 000
		24 т Контейнеровоз (юксиз)	1 550 000
4	Хоразм - Андижон	1 тоннагача	2 600 000
		2,5 тоннагача	3 100 000
		5 тоннагача	3 850 000
		10 тоннагача	4 900 000
		24 т (тенговая фура)	7 900 000
		24 т Контейнеровоз (юксиз)	7 900 000
6	Андижон – Хоразм	1 тоннагача	2 600 000
		2,5 тоннагача	3 000 000
		5 тоннагача	3 750 000
		10 тоннагача	4 800 000
		24 т (тенговая фура)	8 000 000
		24 т Контейнеровоз (юкланган)	1 450 000
7	Асака – Андижон (КОФ)	24 т Контейнеровоз (юкланган)	940 000
	Асака – Андижон	24 т Контейнеровоз (юкланган)	940 000
	Асака – Андижон	24 т (тенговая фура)	940 000
8	Андижон (КОФ) - Асака	24 т Контейнеровоз (юксиз)	900 000
	Андижон - Асака	24 т Контейнеровоз (юксиз)	600 000
	Андижон - Асака	24 т (тенговая фура)	600 000
9	Ангрен-Андижон	24 т Контейнеровоз (юкланган)	4 100 000
10	Андижон-Ангрен	24 т Контейнеровоз (юксиз)	1 200 000

“Юк жунатувчи”

М.П.

Galvez R.Z

UZ-KORAM
KOMPANI



“Экспедитор”

М.П.

Алиханов А.

